

ҚАНД ЛАВЛАГИНИНГ ФОТОСИНТЕТИК ФАОЛИЯТИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ЭКИШ МУДДАТИ ВА ТУП ҚАЛИНЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ

Д.Хамроева

Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар
институти магистранти

А.Санакулов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Биокимё
институти профессори

Аннотация. Мақолада Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида қанд лавлаги (*Beta vulgaris L. var saccharifera*) етиштиришда уруғларни апрелнинг иккинчи ўн қунлигида, гектарига 100 минг дона/га меъёрда экиш ўсимликларнинг қулай ўсиб-ривожланишини таъминлаш билан бирга, гектаридан 560-570 центнер илдизмева ҳосили олишга имкон бериши баён этилган.

Кириш. Қанд лавлаги (*Beta vulgaris L. var saccharifera*) энг муҳим техник экинларидан биридир. Дунёнинг бир қатор мамлакатларида шакар ишлаб чиқариш учун асосий хомашё ҳисобланади ва катта иқтисодий аҳамиятга эга. Қанд лавлагининг ҳосилдорлигини ва қанд ҳосилдорлигини, мос равища, қанд лавлаги етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти уни етиштириш технологиясини такомиллаштиришdir. Ўсимликларнинг вегетация даврини узайтириш ва қанд лавлаги ҳосилдорлигини ошириш имконини берадиган “экиш” технологик жараёнининг параметрларидан бири экиш муддати ва меъёридир [6, 7]. Қанд лавлаги уруғларини экишнинг оптималь муддатларини белгилаш зарурати, айниқса, гуллаш қобилияти паст ва бир уруғли нав ва дурагайлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, зааркунандалар ва касалликлар билан заарланиши, шунингдек, бегона ўтлар билан ифлосланиши қанд лавлагини экиш муддатига боғлиқ. Шунга қўра, экиш муддати ва меъёрини тўғри белгилаш ишлаб чиқариш харажатлари миқдорини камайтириш ва пировардида, мазкур экиннинг илдизмева ҳосилдорлигини оширишдаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Қанд лавлагидан юқори ҳосил олишни таъминловчи кўплаб омиллар орасида оптималь экиш муддатлари катта аҳамиятга эга. Бу эса бир хил ва тўлиқ кўчат олишни ва максимал шакар йиғиш имконини беради [2].

Экиш муддатларини белгилашда экиннинг биологик хусусиятлари, вегетация даврининг давомийлиги, уруғларнинг шишиши ва униб чиқиши учун

кўп миқдорда сувга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва ҳар йилги баҳорнинг хусусиятларини ҳисобга олиш керак [1].

Бир текис ва тўлиқ униб чиқиши учун уруғлар шишиши ва униб чиқиши учун етарли миқдорда намлик билан таъминланиши керак (уруғ массасининг 140-160%). Бундан ташқари, қўчатларнинг тўлиқлиги тупроқ ҳароратига боғлиқ. Паст ҳароратда керакли миқдорда намлик мавжуд бўлса ҳам, лавлаги қўчатларининг пайдо бўлишига тўсқинлик қиласи. Тупроқ ҳарорати +3+4 °C да уруғларнинг униб чиқиши 30 кунгача давом этади. Уруғларда озиқа моддалари кам бўлганлиги сабабли қўчатлар заифлашади, шу билан бирга уларга илдиз қўнғизи қўпроқ таъсир қиласи. Баъзи ниҳоллар ҳали униб чиқмасданоқ нобуд бўлади, туп сони камаяди [5].

Кўпгина тавсиялар қанд лавлаги экишни 8 см чуқурликдаги тупроқ ҳарорати +5+6 °C бўлганда бошлаш кераклигини кўрсатади. Бироқ, амалда кўпчилик тажрибали агрономлар қанд лавлаги экиш бошланишини тупроқнинг етилиши ва сочилиш даражасига қараб аниқлайдилар [6].

Қанд лавлаги - эрта экиладиган экин ҳисобланади. Эрта баҳорда уруғларининг униб чиқиши учун зарур бўлган сувга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади. Кечки даврларда намлик етишмаслиги сабабли қўчатлар сийрак ва нотекис бўлиб қолади [7, 9]. Агар экиш 10-12 кун кечикса, унувчанлик кескин камаяди [10].

Экиш кечикирилганда ҳосилдорлик, асосан, қанд лавлаги вегетация даврининг қисқариши, шунингдек, касаллик ва зааркундалардан заарланиши туфайли пасаяди [12].

Лавлаги ўсиши ва ривожланиши учун 170-220 кун керак бўлади. Қўчатларнинг эрта пайдо бўлиши билан, барг шаклланиши ва қаторларни ёпишнинг мақбул муддати билан бирга, у қисқа вегетация давридан яхшироқ фойдаланади. Экишнинг кечикиши, ҳатто кечроқ йиғиб олинганда ҳам ҳосилнинг пасайишига олиб келади. Қаторлар дастлабки ривожланган барглар билан ёпилса, июнь ва июль ойларининг узоқ кунлари яхши ассимиляция қилиш учун ишлатилади. Эрта экилган қанд лавлаги “вирусли сарғайиш”дан камроқ азият кўради [10].

Эрта экишда, айниқса, қуруқ об-ҳаво ва қурғоқчил ҳудудларда ҳосилдорлик ошади. Аммо эрта экиш билан ўсимликларнинг бегона ўтлар ва касалликларга чалиниш даражаси юқори бўлади. Уруғлар жуда нам тупроққа экилганида, қўчатлар кислород етишмаслигидан нобуд бўлади. Кеч экилганда вегетация даври қисқаради, тупроқда намлик етишмаслиги кузатилади [6].

Эрта экилганда юқори ҳосилдорлик билан бирга қанд лавлагининг технологик сифатлари ҳам ошади. Илдизмеваларида шакар миқдори кўпайиб, юқори сифатли шарбатга эга бўлади. Экиш муддати кечикиши билан сахароза миқдори, шарбат софлиги, мелас ҳосил қилиш қобилияти ва шакар ҳосилдорлиги пасаяди [1, 2].

Амалда мақбул әкиш муддатларини танлаш жуда қийин бўлиши мумкин. Сақлаш муддатидан қатъи назар, худди шундай қонуният кузатилади: эрта әкилганда илдизмевалар яхши сақланади. Бунинг сабаби, кеч әкилган лавлаги қисқа вегетация даврида пишмайди, илдизмеваларида метаболик жараёнлар, айниқса углерод алмашинуви кучли кечади [5, 6].

Шундай қилиб, қанд лавлаги учун мақбул муддат – эрта әкишдир, бу эса яхши сифатли илдизмевалар шакланиши билан бир қаторда юқори ҳосилдорликни таъминлайди. Бундан ташқари, ўз вақтида ва сифатли әкиш қанд лавлаги нав ва дурагайларининг генетик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва максимал шакар ҳосилини олиш имконини беради.

Тадқиқот методологияси. Дала тажрибалари Самарқанд вилояти Оқдарё тумани ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида ўtkазилди. Бунда қанд лавлаги уруғлари *20 апрель, 1 май ва 10 май кунлари 80 ва 100 минг дона/га ҳисобидан әкилди*.

Тажрибаларда куйидаги кузатишлар, биометрик ўлчовлар ва таҳлиллар ўтказилди: фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар қишлоқ хўжалик экинларини нав синаш бўйича давлат инспекциясининг [8] услуби бўйича; барг сатҳи намуна (доирача) олиш ва тарозида тортиш усулида, фотосинтез соф маҳсулдорлиги А.А.Ничипорович усулида аниқланди [11]. Агротехнологик тадбирлар ЎзПИТИ [3] услублари асосида олиб борилди. Илмий тадқиқотлар мобайнида тўпланган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспехов [4] бўйича амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар. Қанд лавлаги ҳосил структурасини таҳлил қилишда бутун ўсимликнинг, шу жумладан илдиз ва баргларнинг массаси, уларнинг умумий массадаги улуши ҳисобга олинди. Қаторларнинг ёпилиш босқичида битта ўсимликда барг сони уруғлар *20 апрелда әкилган туп сони 80 минг бўлган вариантда 43,6 дона, шундан тўкилганлари 16,8 донани ташкил этган бўлса, туп сони 100 минг бўлган вариантда кўрсаткичлар мос равишида 47,3 ва 20,0 дона бўлганлиги аниқланди*. Уруғлар *1- ва 10- майда әкилган вариантларда эса барг сони бироз кам бўлганлиги, яъни туп сон қалинлигига мос равишида 42,7 ва 46,7; 41,8 ва 45,3 донани ташкил этди*.

Ўсимликнинг барг юзаси асосий фотосинтетик орган ҳисобланиб, ўтказилган тажрибада әкиш муддатларига (*20 апрель, 1 май ва 10 май*) мос ҳолатда барг юзаси туп қалинлигига тегишилича *45,7 ва 51,86 см²/туп; 53,32 ва 54,47 см²/туп; 47,86 ва 48,47 см²/туп* бўлганлиги аниқланди. Қанд лавлагининг барг юзаси қаторни ёпиш даврида энг катта қийматни ташкил этди. Шу билан бирга, туп қалинлигини 80 дан 100 минг дона/га гача ошиши билан әкиш муддатларига мос равишида *6,08; 1,15 ва 0,61 см²/туп* га кўпайди. Экиш муддатининг кейинга суримиши билан барг юзасининг ортишида кескин фарқ кузатилмади (жадвал).

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME6 ISSUE-10 (30- October)

Шундай қилиб, барг юзасининг максимал майдони ($54,47 \text{ см}^2/\text{туп}$) 100 минг дона/га қалинлигида, уруғлар 1 майда экилганда ҳосил бўлди, бу 20 апрель ва 10 майда экилгандагига қараганда $2,61$ ва $6,0 \text{ см}^2/\text{туп}$ кўпдир.

Экиш муддати ва туп қалинлиги бутун вегетация даврида қанд лавлагининг фотосинтетик потенциалига сезиларли таъсир кўрсатди. Тажрибанинг барча варианларида қаторларни ёпиш даврида унинг параметрлари максимал қийматларга етди. Шу билан бирга, 100 минг дона/га қалинликда бўлган экинзор энг катта фотосинетик потенциал шакллантирди. Ушбу варианларда қаторларни ёпиш даврида у экиш муддатлари варианларида $68,83$ - $81,16$ минг $\text{m}^2/\text{га} * \text{кун}$ ни ташкил этиб, 80 минг дона/га вариантдан тегишлича $12,93$ ва $21,99$ га минг $\text{m}^2/\text{га} * \text{кун}$ ошиди.

жадвал

Қанд лавлагининг фотосинтетик фаолияти ва ҳосилдорлигига экиш муддати ва туп қалинлигининг таъсири (2022-2023 йй.)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Экиш муддати					
		20.IV		1.V		10.V	
		Туп қалинлиги, минг дона/га					
		80	100	80	100	80	100
Барг сони:	Дона	43,6	47,3	42,7	46,4	41,8	45,3
Ўсимликдаги		26,8	27,3	26,6	27,1	25,7	26,8
Тўкилганлари		16,8	20	16,1	19,3	16,1	18,5
Барг юзаси	$\text{cm}^2/\text{туп}$	45,78	51,86	53,32	54,47	47,86	48,47
Фотосинтетик потенциал	минг $\text{m}^2/\text{га} * \text{кун}$	57,87	79,86	64,84	81,16	55,9	68,83
Биомасса	$\text{ц}/\text{га}$	696,03	724,65	670,21	697,95	544,66	581,76
ФСМ	$\text{г}/\text{м}^2 * \text{сутка}$	3,23	3,62	2,8	2,96	2,76	2,84
Ўртacha ҳосилдорлик	$\text{ц}/\text{га}$	543,6	567,4	517,4	543,7	418,3	449,7
Биомассада илдизмева улуши	%	78,1	78,3	77,2	77,9	76,8	77,3
ФП нинг 1000 ўлчов бирлигига мос илдизмева	кг	10,65	14,07	12,53	14,93	13,36	15,31
Илдизмева массаси	г	679,5	567,4	646,75	543,7	522,875	449,7

Тажрибаларимизда қанд лавлаги баргининг маҳсулдорлиги ўсимлик зичлигига қараб минг ФП бирлигига 10,65 дан 15,31 кг гача илдизмевани ташкил этди.

Қанд лавлаги фотосинтезининг маҳсулдорлиги ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши билан интенсив равишда ошиб, қаторлар орасидаги баргларнинг ёпиш босқичида энг юқори кўрсаткичларга эришди.

Ҳосилни йиғишириш олдидан туп қалинлиги ва экиш муддатларига қараб мос равишида $3,23$ - $3,62$; $2,80$ - $2,96$ ва $2,76$ - $2,84 \text{ г}/\text{м}^2 * \text{сутка}$ ни ташкил этиб, туп сон қалинлиги 80 минг бўлган варианларда камайди. Вегетация даврида

фотосинтез соф маҳсулдорлик ўртача ҳисобда ҳар хил туп қалинлигига 4,9 дан 5,4 г/м²*сутка гача ўзгариб турди.

Шунга кўра, умумий массаси 724,65 (100 минг дона/га) дан 544,66 (80 минг дона/га) ц/га ни ташкил этди. Битта ўсимлик (илдизмева ва баргларнинг массаси) массаси ҳосилни йиғиб олишдан олдин энг кўп бўлганлиги аниқланди. Шундай қилиб, 100 минг дона/га қалинлигига у максимал 769,5 г га етди. Шу билан бирга, илдизмеваларнинг улуши 78,3% гача ошиди ва барглар массаси 21,7% гача камайди. Бироқ, туп сон қалинлиги ошиши билан битта ўсимликнинг массаси камайди. Демак, 80 минг дона/га вариант билан солиштирганда 100 минг дона/га вариандаги ҳар бир ўсимликнинг умумий массаси ўртача 73,18-112,1 г га камайди.

Қанд лавлаги илдизларида қуруқ моддаларнинг тўпланиши энг интенсив равишда қалин экилганда содир бўлди. Туп қалинлиги гектарига 80 дан 100 минг дона/га гача ошиши билан қанд лавлаги илдизмева ҳосилдорлиги 24 ц/га ошиди, 100 минг дона/га қалинлигига у ўзининг максимал даражасига етди (576,4 ц/га). Экиш муддатининг кечикиши билан илдизмева ҳосилдорлиги (543,7 ва 449,7 ц/га) камайди.

Хуноса ўрнида айтганда, Самарқанд вилоятининг сугориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида қанд лавлаги етишишида уруғларни апрелнинг иккинчи ўн қунлигига, гектарига 100 минг дона/га меъёрда экиш ўсимликларнинг қулий ўсиб-ривожланишини таъминлаш билан бирга, гектаридан 560-570 центнар илдизмева ҳосили олишга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алимгафаров Р.Р., Исламгулов Д.Р. Влияние сортовых особенностей на технологические качества корнеплодов сахарной свеклы в условиях южной лесостепи Республики Башкортостан // Вестник Башкирского государственного аграрного университета. – 2011. - № 3. – С. 5-12.
2. Бикметов И.Р., Исламгулов Д.Р. Технологические качества корнеплодов сахарной свеклы при внесении азотного удобрения в различной дозе // Вестник Башкирского государственного аграрного университета. – 2012. - № 2. – С. 7-11.
3. Дала тажрибларини ўтказиш услублари.– Тошкент.: ЎзПИТИ, 2014.-257 б.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1985. - 351 с.
5. Исламгулов Д.Р., Исмагилов Р.Р., Бикметов И.Р. Дозы азотных удобрений и технологические качества корнеплодов // Сахарная свекла. – 2013. - № 3. – С. 17-19.

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME6 ISSUE-10 (30- October)

6. Исламгулов Д.Р., Исмагилов Р.Р., Бикметов И.Р. Густота насаждения растений сахарной свеклы и технологические качества корнеплодов // Сахарная свекла. - 2013. - № 10. - С. 16-18.
7. Исламгулов Д.Р., Исмагилов Р.Р., Алимгафаров Р.Р. Сортовые особенности и технологические качества корнеплодов // Сахарная свекла. - 2012. - № 10. - С. 14-17.
8. Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур.-М.: Колос, 1971. -239 с.
9. Методика расчета и оценки параметров экологической пластиичности сельскохозяйственных растений / В.А.Зыкин, И.А.Белан, В.С.Юсов, В.Д.Недорезков, Р.Р.Исмагилов, Р.К.Кадиков, Д.Р.Исламгулов; Башкирский ГАУ, Сибирский НИИ сельского хозяйства. - Уфа : БГАУ, 2005. - 99 с.
10. Методика расчета и оценки параметров экологической пластиичности сельскохозяйственных растений / В.А.Зыкин, И.А.Белан, В.С.Юсов, Д.Р.Исламгулов; Башкирский ГАУ, Сибирский НИИ сельского хозяйства. - Уфа : БГАУ, 2011. - 99 с.
11. Ничипорович А.А. О путях повышения продуктивности фотосинтеза растений в посевах // Фотосинтез и вопросы продуктивности растений. - М.: Изд. АН СССР, 1963. - С. 35.
12. Энергосберегающая технология возделывания полевых культур / Р.Р.Исмагилов, М.Х.Уразлин, Р.Р.Гайфуллин, Д.Р.Исламгулов; Башкирский ГАУ. - Уфа : Гилем, 2011. - 248 с.